

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2022-yil 30-avgust, seshanba

№ 33 (9197)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi

GERMANIYA PREZIDENTI ЎЗБЕКИСТОН ЕТАКЧИСИ ВА КЎП МИЛЛАТЛИ ХАЛҚНИ МУСТАҚИЛЛИК КУНИ БИЛАН ТАБРИКЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев 29 август кунин Германия
Федератив Республикаси Президенти
Франк-Вальтер Штайнмайер билан телефон
орқали мулоқот қилди.

Кўп қиррали
Ўзбекистон – Германия
ҳамкорлигини янада
ривожлантириш ҳамда
минтақавий шериклик-
нинг долзарб масалала-
ри кўриб чиқилди.

Сўхбат аввалида
Германия Президенти
давлатимиз раҳбари
ва кўп миллатли халқи-
мизни мамлакатимиз
мустақиллигининг 31
йиллиги билан самий-
мий қутлади. Кейинги
йилларда амалга оши-
риладиган ислохотлар
дастурининг натижа-
лари алоҳида қайд этил-
ди, Янги Ўзбекистонда
амалга оширилаётган
демократик ва иқтисод-
ий янгиланишлар қўл-
лаб-қувватланди.

Етакчилар олий да-
ражадаги келишувларни
амалга ошириш натижа-
сида икки томонлама
муносабатларда юксак
даражага эришилганини
мамнуният билан қайд
этдилар.

Жорий йил бошида
ўзaro товар айирбош-
лаш 60 фоизга ўсди.
Мамлакатимиздан Гер-
маниянинг 200 дан зиёд
етаки компаниялари му-
ваффақиятли фаолият
юртмоқда. Ўтган ойда
“Knauf”, “Paremburg” ва
“Falk Porsche” каби та-
ниқли корхоналар Ўз-
бекистонда ўзларининг
янги заводларини ишга
туширди.

Шу йилнинг июль
ойида Германия биз-
несининг 100 дан ортқ
вакиллари иштирокида
ўтган Ўзбекистон – Гер-
мания ишбилармонлар

кенгашининг навбатдаги
йигилишидан сўнг иқти-
содийнинг юқори тех-
нологик тармоқларида
24 та янги инвестиция
лойиҳаларини тайёр-
лаш ва амалга ошириш
бошланди.

Ўзaro манфаатли мо-
лиявий-техник ва мада-
ний гуманитар ҳамкор-
лик кенгайиб бормоқда.
Юртимизда Гёте инсти-
тути, Конрад Аденауэр
ва Фридрих Эберт фонд-
лари каби Германиянинг
бошқа ташкилотлари
ҳам фаол иш олиб бор-
моқда.

Ўзбекистон ва Герма-
ния Президентлари амал-
лий ҳамкорлигининг кен-
гайиши, шунингдек, узқ
муддатли шерикликни
ривожлантиришга қара-
тилган қўшма дастур ва
лойиҳаларнинг илгари
сурилишини қўллаб-қув-
ватладилар.

Минтақавий ҳам-
корлик, шу жумладан,
Европа Иттифоқи дои-
расидаги конструктив
мулоқотни ривожлан-
тириш масалаларига
алоҳида эътибор қара-
тилди. Афғонистонда
узқ муддатли тинчлик-
ни таъминлаш ва унинг
ижтимоий-иқтисодий
тикланишига қўмакла-
шиш мақсадида фаол
ҳамкорликни давом эт-
тириш муҳим экани таъ-
кидланди.

Ўзбекистон ва Герма-
ния Президентларининг
телефон орқали мулоқо-
ти ҳар доимидек самий-
мий, очиқ ва дўстона
руҳда ўтди.

ЎЗА

ЭЛ-ЮРТ ҲИМОЯСИГА ОТЛАНИБ ТУРГАН САРКАРДА, УРГАНЧ ТАШРИФ ҚОҒОЗИГА АЙЛАНДИГАН АЛ-ХОРАЗМИЙ ШАҲАРЧАСИ

29 август кунин Урганч шаҳрида Жалолиддин Мангуберди ёдгорлик мажмуасининг тантанали очилиш маросими бўлди.

Маросимга Ўзбекистон Республи-
каси Президенти Шавкат Мирзиёев
ташриф буюриб, жамоатчилик ва-
киллари билан биргаликда ҳайкални
очди. Давлат маҳфияси янгради.
Мамлакатимиз раҳбари ўз нутқи-
да саркарданинг шахсияти, тарих-
да тутган ўрнини алоҳида эътироф
этди.

– Жалолиддин Мангуберди эл-юрт
истиклоли учун курашган, шу йўлда
азиз жонини қурбон қилган аждодла-
римизнинг буюк намоёнасидир. Она
юртга муҳаббат ва садоқат, ор-номус
ва шон-шараф бобида Жалолиддин
Мангубердига тенг келадиган улўғ
шахслар дунёда камдан-кам учрай-
ди, – деди Шавкат Мирзиёев.

Жалолиддин 1198 йилда туғил-
ган ва қисқа умри давомида тарихда
унутилмас из қолдирган қаҳрамон
шахсдир. У мўғуллар қўшини даҳ-
шатидан ҳамма ўзини олиб қочган
пайтда, атиги 21 ёшида кўркмасдан
майдонга чиққан. 11 йил давомида
мўғул босқинчиларига қарши 300 дан
ортқ жангларда иштирок этиб, улар-

ни титратган. Ҳатто Чингизхондек
буюк ҳукмдор ҳам унинг матонатини
кўриб: “Бундай қаҳрамон фарзанди
бор ота нақадар бахтлидир”, деб тан
берган. Жасур шахзода тақдирнинг
қалтис синовларини мардона ёнигиб
ўтиб, 32 ёшда хоинлар қўлида ҳалок
бўлган.

Султон Жалолиддин жанговар
фаолияти билан нафақат ўз юрти-
ни, балки дунёдаги ўнлаб мамлакат-
ларни ҳам босқинчилар ҳужумидан
ҳимоя қилган. Унинг номи, ўлмас
жасорати халқ орасида, турли мил-
лат ва элатлар ўртасида афсонага
айланган.

Мамлакатимиз мустақилликка
эришган, бу улўғ аждодимизнинг
хотираси абадийлаштирилди. Та-
валлуд саналари муносиб нишон-
ланди. Давлатимизнинг юксак му-
кофотларидан бири – Жалолиддин
Мангуберди ордени таъсис этилди.
Унинг фаолиятига бағишланган ил-
мий ва бадиий асарлар яратилди.
Жумладан, туркиялик кинорежиссёр-
лар билан ҳамкорликда “Мендирман,

Жалолиддин!” номли кўп қисмли та-
рихий фильм суратга олинди. Улўғ
саркардага муносиб ватанпарвар
ўғлонларни тарбиялаш мақсадида
Урганч шаҳрида Жалолиддин Ман-
губерди номида ҳарбий академик
лицей ташкил этилди.

Хоразм марказида барпо этилган
ёдгорлик мажмуаси шундай тарихий
ишлардан биридир. Бу ташаббусни
Президентимиз 2018 йилда илгари
сурган эди. Ҳайкалнинг жойи, кўри-
ниши ва мазмуни тарихчи олимлар,
санъатшунослар ва қурувчилар
иштирокида чуқур муҳокама қилин-
ди. Давлатимиз раҳбари уни қурилиш
мобайнида ҳам бир неча бор келиб
кўрди.

Шу тариқа бўйи 25 метрни ташкил
этадиган маҳобатли ҳайкал барпо
этилди. Унда Жалолиддин Мангубер-
ди тулпор жилловини маҳкам тутиб,
эл-юрт ҳимоясига отланиб тургани
таъсирланган. Султоннинг қатъиятли,
мағрур сиймосида келажакка катта
ишонч билан интилади халқимиз-
нинг ватанпарварлиги, букилмас иро-

даси ўз ифодасини топган.

Ҳайкал олдида Жалолиддин
Мангуберди битиктошининг нус-
хаси ўрнатилди. Эрон ҳудудидан
топилган, оғирлиги 32 килограмм,
баландлиги 30 сантиметр бўлган
бу тошда Куръони карим оятлари,
Жалолиддин Мангубердининг ша-
жараси ёзилган. Унинг асли ҳозирги
кунда Лондондаги машҳур Брита-
ния музейида сақланади. Бу ҳам
буюк аждодимизнинг жаҳон тари-
ҳидаги беқиёс шухратидан далолат
беради.


Мажмуа ўрин олган қарийб 8
гектар майдонда, Ал-Хоразмий ва
Ислом Каримов кўчаларида улкан
бунёдкорлик ишлари амалга оширил-
ди. Ушбу майдон остида ўтадиган
автомобиль туннели барпо этилди.
Ҳудудга 18 мингга яқин манзарали
дарактлар, гуллар ва буталар экил-
ди.

Бу майдон Хоразмнинг кун сайин
ўзгариб, чирой очиб бораётган қиё-
фасига яна бир кўрк бўлди.

(Давоми 2-саҳифада)

Янги қиёфада қайта очилган ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БОҒИ МЕҲМОНЛАРНИ ЧОРЛАМОҚДА

Шу кунларда Ватанимиз мустақиллигининг 31 йиллиги муносабати билан
мамлакатимизнинг турли ҳудудларида байрам тадбирлари бошланиб кетди. Тўйга тўёна
билан деганларидек, жойларда янги иншоотлар фойдаланишга топширилмоқда.



Президентимиз Шавкат
Мирзиёев 27 август кунин Ўзбекистон
Миллий боғида амалга оширилган
ободонлаштириш ишларини кўз-
дан кечирди. Шу ерда нуронийлар,
адабиёт ва санъат намоёндалари
билан самиймий сўхбатлашди. Бог-
нинг янги қиёфада, қўшимча қулай-
ликларга эга бўлган ҳолда қайта иш
бошлагани ҳақидаги хабар юртдош-
ларимиз томонидан катта мамнуни-
ят билан қабул қилинди.

Гавҳар ЗОКИРОВА, Ўзбекистон
халқ артисти:

– Мустақиллик байрами олдидан
яхши янгиликлар кўп бўляпти, одам
буларни кўриб жуда хурсанд бўлиб
кетди. Яқинда Самарқандга бор-
дик. “Буюк ипак йўли” халқаро ту-
ризм марказининг очилиш мароси-
мида қатнашдик. Кўнглимиз ҳайрат
ва ҳаяжонга тўлди. Бу оддий марказ
эмас, унинг таркибида 8 та замо-
навий меҳмонхона, Конгресс холл

бор экан. “Боқий шаҳар” мажмуаси,
амфитеатр ва яна кўплаб иншоот-
ларни айтмайсизми? Самарқанд
таассуротлари ҳаяжони ҳали бо-
силгани йўқ. Ўзбекистон Миллий
боғининг янги қиёфада очилганидан
жуда хурсандимиз. Хурсандчиликлари-
миз хурсандчилиқка уланаверсин,
илоҳим.

Ўзбекистон Миллий боғи ҳам-
мамизга қадри, кўп хотиралар бор
бу ерда. Боғни сайр қилар эканмиз,
ўша олдинги руҳ сақлаб қолганига,
замонавийлик моҳирлик билан
уйғунлаштирилганга гувоҳ бўлдик.
Қувонарлиси, дарактлар кесилиши-
га йўл қўйилмаган, уларни сақлаб
қолиш чоралари қўрилган. Шаҳарга
сув, серсоя дарактлар жуда керак.
Тўғриси, баъзиларда бог ҳудудида-
ги дарактлар, кўллар нима бўлди,
деган хавотирли саволлар ҳам йўқ
эмасди. Мана бугун ҳаммаси олдин-
гидан ҳам гўзал бўлиб қайтганига
гувоҳ бўлиб турибмиз.

(Давоми 2-саҳифада)



НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

БОБО ОРЗУСИНИ УШАЛТИРГАН НАБИРА

Норин туманида Тўда номи билан
аталувчи қадимий, қатор маҳаллаларни
бирлаштирган қишлоқ бор. Унда
ўз даврининг илмий, тадбиркор
инсонларидан бири Ҳотамжон
Ҳамдамов яшаб ўтган.

– Келажак илмилари, шундай экан барча ёшлар
ўқиши, етук мутахассис бўлиши шарт. Шунда қиш-
логимиз, туманимиз обод бўлади. Мамлакатимиз
дунёга танилади, – дея тақдорларди Ҳотамжон ака.
Шу ўринди турмуш ўртоғи Эътиборхон Ҳошимова
билан беш ўғил-қизини саводли, хунарли қилиш
йўлида ҳам тиниб-тинчимасди. Улар бечоб бўлиб
қолганида туман, вилоят марказларига олиб бориб
даволатарди. Баъзан, қишлоқнинг ўзига шифохона
қуриш, унда фарзанд, набираларининг элга хиз-
мат қилиши ҳақида ҳам ширин хаёллarga берилиб
кетарди. Буни ҳаёт дейдилар. Улар боқий дунёга
рихлат қилганларига ҳам бир неча йиллар ўтди.
Не ажабки, бобонинг ушалмаган орзуларига бугун
набираси етди.

Мамлакатимизда Мустақиллик байрамига қизгин
тайёргарлик кетаётган ушбу кунларда олис Тўда
қишлоғи марказида икки қаватли, замонавий хусу-
сий шифохона қурилиб, фойдаланишга топширилди.
Унга Ҳотам бобонинг Андижон тиббиёт олийгоҳида
ўқиётган талаба набираси Жаҳоҳир Ҳушёржонов
асос солди. Оила бошлиғи Ҳушёрбек бошчили-
гида маслаҳат пишғач, ўзларининг сармоялари
хом-чўт қилинди. Қўшимчасига банкдан имтиёзли
кредит олинди. Мустақиллигимизнинг 31 йиллиги
арафасида туманнинг 2022-2023 йиллар ижтимоий-
иқтисодий ривожлантириш инвестиция дастури
доирасида Тўда қишлоғида режалаштирилган “SHifo
olam” хусусий корхонасига қарашли “Аҳолига хиз-
мат кўрсатиш маркази” лойиҳаси фойдаланишга
топширилди.

(Давоми 2-саҳифада)

ТУМАН ИРРИГАЦИЯ БЎЛИМЛАРИ ҲАМДА КОЛЛЕЖЛАРГА Янги жиҳоз ва ускуналар топширилди

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлигида 156 та туман ирригация
бўлимлари ҳамда вазирлик тизимидаги иқтисослаштирилган касб-хўналар коллежларига
офис ва махсус ускуналарни топшириш маросими бўлиб ўтди. Ушбу жиҳозлар Сув
ҳўжалиги вазирлиги ҳамда Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги билан
биргаликда амалга оширилаётган “Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий
лойиҳаси, II босқич” доирасида харид қилинган.



Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазири Ш.Хамраев кириш сўзи билан
очилган тадбирда таъкидланганидек, лойиҳа томонидан Қорақалпоғистон Респуб-
ликаси Сув ҳўжалиги вазирлиги ҳамда вилоятлар ирригация тизимлари ҳавза
бошқармалари тасарруфидидаги барча туман ирригация бўлимларига компьютер,
принтер, замонавий сув ўлчаш воситалари, мебеллар ҳамда вазирлик тасарру-
фидидаги касб-хўналар коллежлари учун зарур бўлган лаборатория жиҳозлари харид
қилиниб, ўз эгаларига топширилмоқда. Бу эса туман ирригация бўлимларининг
моддий-техник базасини янада яхшилашга ҳамда сув ҳўжалиги коллежлари са-
лоҳиятини оширишга ёрдам беради.

(Давоми 2-саҳифада)


Байрам руҳи ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин!

НИЯТИ ЭЗГУ ИНСОННИНГ КЎНГИЛ УЙИ ОБОДДИР

Албатта, инсон тинчликнинг қадрига етиб, уни мустаҳкамлашни ўзининг бурчи деб билса, тинчлик учун курашса юрт тинч ва обод бўлади.

Обод ҳаёт деган тушунча эса азалдан халқимизнинг онгу тафаккурида авваломбор фаровонлик, тўкинчилик, мўл-кўлчилик, кут-барақа, бозорларда арзончилик маъносини ўзида мужассам этиб келади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда халқ фаровонлиги тушунчаси Ватан равнақи ва юрт тинчлиги деган, биз учун энг азиз ва муқаддас бўлган қадриятлар билан биргаликда миллий ғоямизнинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этмоқда. Обод турмушнинг яна бир муҳим шarti бу инсон саломатлигини мустаҳкамлаш билан боғлиқ эканини барчамиз яхши тушунамиз. Шунинг учун ҳам халқимизнинг саломатлигини ҳимоялаш, бунинг учун соғлиқни сақлаш тизимини замонавий даволаш воситалари, техника ва технологиялар билан таъминлаш, касалликларнинг олдини олиш ишларини янада кучайтириш, тиббиёт ходимларининг машаққатли ва масъулиятли меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш масалалари жорий йил Давлат дастурида белгиланган.

Халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини юксалтириш, жумладан, янги уй-жойлар, замонавий йўл ва коммуникация тармоқларини барпо этиш, аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, коммунал хизмат соҳасидаги муаммоларни ечиш каби долзарб масалалар бўйича ҳам дастурда аниқ чора-тадбирлар белгиланган. Ҳаётимизни обод қилишнинг муҳим шarti бу аввало маҳаллани обод қилиш демакдир. Бу борада маҳалла идорасининг, маҳаллада яшайдиган аҳолининг ўзини ўзи бошқариш тизимини, керак бўлса, ижтимоий ҳимоялаш тизимини янада такомиллаштириш, маҳалланинг



ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини янада кучайтириш, унга янги ҳуқуқ ва ваколатлар бериш бўйича ҳам кенг жамоатчилик иштирокида амалий тақлифлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳаётимизни янада соғлом ва обод қилиш, аввало аёл зотининг жамиятимиздаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини янада ошириш, хотин-қизларнинг турли жабҳа ва йўналишларда қилаётган ишларини муносиб баҳолаш, ҳар қайси хонадонда уй бекаси бўлмиш опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш асносида турмушимизни фаровон этиш билан узвий ва чамбарчас боғлиқдир. Шундай орзуниятлар билан кундалик ҳаётимизни тўлдириш, уларни ҳаётимиз мақсади-га айлантириш, шундай ғоя ва интилишни амалга ошириш учун давлат ҳамда жамиятимизнинг барча куч ва имкониятларини сафарбар этиш, ҳеч шубҳасиз, бугунги кунда ғоят муҳим ва долзарб аҳамият касб этади. Бундай эзгу мақсадлар халқимиз томонидан

ўзгача шуқуҳ, ёруғ юз, фахру ифтихор билан кутиб олинмоқда, кенг жамоатчилик ҳамда хорижлик мутахассислару экспертларнинг эътирофларига сазовор бўлмоқда.

Аввало, ободлик кўнгилдан бошланади. Имони бут, қалби пок, луқмаси ҳалол, нияти эзгу инсоннинг кўнгил обод бўлиб, у кўнгиллардан кўнгилларга кўчади. "Ободлик" тушунчаси кенг қанот ёзиб, кўнгилдан оилага, сўнг маҳалла, қишлоққа, юртга тарқайди. Ободликнинг аксини тотув, ибратли оилалар мисолида кўриш фикримизнинг асосидир. Яшаб турган маҳалла аҳлининг бир-бирига суянчиқ ва ҳамкор бўлиб, ёш авлод тарбиясида муваффақият қозониб, уй-рўзгорнинг тўқис ва фаровон бўлишига эришаётгани том маънодаги ободликдир. Юртимизда бундай оилаларнинг кўплиги жамиятимизнинг улкан тирғаги ва ривожлантирувчи кучидир.

Эркин ЭШОНБОБОВ,
Юқори чирчиқ тумани адлия бўлими бош маслаҳатчиси.

"M-TYRE DISTRIBUTION" МЧЖ (СТІР: 306173191) ўз Низом жамғармасининг 6 478 840 500 сўмдан 478 840 500 сўмгача камайтирилганлигини маълум қилади. Маълумотлар учун телефон: +998(78) 200-55-00

"ЎЗСУВҚУРИЛИШ"
акциядорлик жамияти
тизимидаги
"КЕГЕЙЛИМАХСУССУВПУДРАТ"
масъулияти чекланган
жамияти жамоаси

барча юртдошларимизни, хусусан, бугунги жадал ислохотлар жараёнида фаоллик кўрсатиб меҳнат қилаётган ирригация ва мелиорация соҳаси вакиллари **Ўзбекистон Республикаси**

МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 31 ЙИЛЛИГИ

муносабати билан муборакбод этади. Юртимизнинг гуллаб-яшнаши, янада обод бўлашага айланишини таъминлаш, жаҳон миқёсидаги нуфузи ва мавқеини мустаҳкамлаш, халқимиз турмуш даражасини тобора юксалтириш борасидаги эзгу ишларида барчага ғайрату шижоат, улкан зафарлар ёр бўлишини тилайди.

Байрам шуқуҳи ҳар биримизни янгидан-янги ғоялар, меҳнат зафарлари сари чорласин. Эзгу орзу-умидларингиз доимо амалга ошаверсин. азиз юртдошлар!

МАҲАМ-CHIRCHIQ
акциядорлик жамияти жамоаси

барча юртдошларимизни
МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 31 ЙИЛЛИГИ
муносабати билан қизғин табриклайди.
Ушбу файзли ва шуқуҳли кунларда барчангизга мустаҳкам соғлиқ, хушқайфият, Истиқлолимизни мустаҳкамлаш йўлидаги эзгу ишларингизда муваффақиятлар тилайди. Нияти пок, бағрикенг, аҳил-иноқ элимизга доимо саодат ёр бўлсин!

Орол бўйи минтақасида кенг қўламли мелиорация ишларини бажариб келаётган
"ХўжайлимахсуССУВПУДРАТ"
масъулияти чекланган жамияти жамоаси

аъзоларининг бир ёқадан бош чиқариб, астойдил қилаётган меҳнатлари эвазига замин саховатини кенгроқ очмоқда. Деҳқонлар ҳосилига ҳосил қўшилиб, дастурхонларимиз тўкиниги таъминланмоқда. Ана шундай хайрли ишларни шижоату ғайрат билан амалга ошираётган соҳа вакиллари юртдошларимизни, жумладан, филоий ҳамкасбларини

МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ
билан қизғин қутлайди. Барча-барчага омонлик, эзгу ишларида ўлкан зафарлар тилайди. Доимо деҳқонларимизнинг ҳосили мўл, дастурхонларимиз тўкин-сочин, ризқимиз бутун бўлсин!

Мустақиллик байрами қутлуғ бўлсин!

Qadrli vatandoshlar!

"O'ZAGROSUG'URTA"
aksiyadorlik jamiyati jamoasi

O'zbekiston Respublikasi
Mustaqilligining
31 yilligi
bilan yurtdoshlarimizni samimiy
muborakbod etadi!
Barchangizga tani sihatlik,
xotirjamlik, mehnat faoliyatingizda
yangi-yangi zafarlar tilaydi!

Assalomu aлайкум қадрли ва муҳтарам ватандошлар!

"ЎЗМЕЛИОМАШЛИЗИНГ"
ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

*Сизларни ва оила аъзоларингизни
халқимизнинг энг буюк, энг азиз байрами –
Ўзбекистон Республикаси давлат
мустақиллигининг ўттиз бир йиллиги айёми
билан самимий муборакбод этади.*

Ишончимиз комилки, ўз инсоний бурчи ва фуқаролик
масъулиятини чуқур англаб, истиқлолимизни
мустаҳкамлаш учун фидокорона меҳнат қилаётган
халқимиз бор экан, миллий давлатчилигимизни тиклаб,
бизга тараққиёт ва фаровонликка эришиш йўлида
мана шундай беқиёс имкониятларни яратиб берган
истиқлолимиз жонажон Ватанимизнинг шонли тарихида
ҳамиша энг ёрқин, ўчмас саҳифа бўлиб қолади.
Фурсатдан фойдаланиб, Сизни ва яқинларингизни
халқимизнинг асрий орау-интилишлари рўёбга чиққан
ушбу тарихий сана билан яна бир бор табриклаб, Сизларга
мустаҳкам соғлиқ-саломатлик, бахт-саодат, тинчлик-
фаровонлик ёр бўлишини тилаймиз.
Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

QISHLOQQURILISHBANK

31
yil

Mustaqillik
bayrami muborak bo'lsin!

☎ 1254 🌐 qqb.uz @qqbank

Президентимиз бошчилигида юртимизда
олиб борилаётган оқилона ва халқпарвар
сиёсат, барча соҳаларда амалга
оширилаётган ҳаётбахш дастурлар
халқимиз қалбига ғурур ва хурсандчилик
бахш этиши баробарида, эртанги
кунга бўлган умиду ишончини янада
мустаҳкамламоқда.

Бир ёқадан бош чиқариб, аҳил ва
ҳамжихатликда улкан мақсадларимиз
сари интилаверсак, ютуқларимиз
салмоғи тобора ортаверали. Юрт
корига яраш, ободлик, яратувчанлик
жараёнларида фаол бўлиш бахти
барчамизга насиб этаверсин.

*Истиқлолимизнинг
31 йиллик айёми муборак бўлсин,
азиз ватандошлар!*

"АМУ-СУРХОН"
ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА
БОШҚАРМАСИ ҚОШИДАГИ НАСОС
СТАНЦИЯЛАРИ, ЭНЕРГЕТИКА ВА
АЛОҚА БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

QISHLOQ HAYOTI

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси комплекси таркибидаги ҳамда
бошқа давлат вакиллик ва идоралар.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:

Шавкат ҲАМРОЕВ, Шуҳрат ТЕШАЕВ,
Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ,
Ақтам ХАЙТОВ, Маҳмуд ТОИР,
Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Раимкул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табоқ, Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
НАШР ИНДЕКСИ – 144.
Буюртма Г-847. 1326 нускада чоп этилди.

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефонлар: Қабулхона – (0-371) 236-26-50.
Факс – (0-371) 233-09-93.
Реклама ва эълонлар – (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04.
e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нарҳда.

ISSN 2010-7023



Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 21.10